

лича Прокуратурасига чақирди. Шу нарса муҳим, Пулатов 1973 йилдан буюн Мирсаидов билан бирга ишлаб келди. Ш. Р. Мирсаидов Тошкент шаҳар план бошқармасининг раиси бўлиб турганда ана шу бошқармага иқтисодчи бўлган. Кейинчалик Мирсаидов хизмат вазирига кўра қўчган барча идораларда Б. Пулатов у билан ёна-ён ишлаган: Тошкент шаҳар ижроия қўмитасида бўлим mudiri, республика Давлат план қўмитасида иш бошқарувчи, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ёрдамчиси, кейинчалик вице-президент ёрдамчиси...

1991 йил апрель ойининг охирида, — деб хотирлайди Бахтиёр Ҳасанов ўз кўрсатмасида. — Шоҳназов икки ҳафта билан Тошкентга келди. Ўртоқ Мирсаидовнинг топшириғи билан мен уларни кутиб олдим ва Жуковский кўчасида «Совмин меҳмонхонаси»га жойладим. Ўртасига Шоҳназовни вице-президент қабул қилди. Сўбат давомида пахта сотиб, бунинг эвазига республикага гушт етказиб бериш хусусида гап борди. Шунда Мирсаидов телефонда савдо вазири билан боғланди. Шундан кейин ўртоқ Мирсаидов Шоҳназовга қараб: «Савдо вазири сизлар кутмоқда», — деди. Мен гушт масаласидаги тақлифни савдо вазири билан давом эттириш кераклигини тушунидим. Шоҳназовни республика савдо вазири М. З. Усмонов ҳузурига бошлаб бердим. Савдо вазири чиндан ҳам бизларни кутиб турган экан... Ўртасига Шоҳназов билан республика Ташқи иқтисодий алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари Машиаров ҳузурида бўлди. Мен Шоҳназовни Машиаровга таништириб, у вице-президент қабулида бўлганини ва Машиаров «пахта ва гушт» юзасидан тузилмак контрактга раҳбарлик қилиши лозимлиги ҳақидаги топшириқни унга етказдим. Шоҳназовни Машиаров ҳузурида қолдириб, ишга қайтдим. Кон-

да, бироқ объектив ҳолатлар, вице-президент билан ёна-ён ишлаган кишиларнинг кўрсатмалари «сузонни кўлаб» иш тутган Мирсаидовнинг ўта пухта тузилган режаларини ҳам бирма-бир чоркадан сўқиб боради.

ЮСУПОВ Тўғрўн Ағзамович — республика вице-президенти Секретариатининг собиқ mudiri: —

Тўғрўн, Шоҳназовни республика Госплани раиси Ҳамидов ҳузурига мен бошлаб кирган эдим. Бу ҳужжатни айнан .ким тайёрлаган, билмайман, лекин менинг қўлимга тутқазилган. Шоҳназовни Б. С. Ҳамидов ҳузурига бошлаб бориш масаласига келсам, мен бунинг шунчаки ўз ихтиёрим билан бажара оладим. Вице-президент ихтиёридан ташқари биз бир қалам қўйишмас мумкин эмас. Топшириқ бўлмаса, Госплан раиси ҳузурига нафақат Шоҳназов, мен ўзим киришим мумкин эмасди, хизмат вазирам бунинг тақозо этмасди.

Савол: — Сиз Шоҳназовни Мирсаидов қабулида неча бор кўргансиз?

Жавоб: — Шоҳназов вице-президент қабулига 5—6 марта кириб-чиққанининг гувоҳи бўлганман.

Савол: — Сизнинг назарингизда чет эл фирмасининг вакили билан Ўзбекистон вице-президенти билан ҳақида бош қотириб сўбат қўрган бўлиши мумкин экан? Сиз нима деб ўйлайсиз?

Жавоб: — Улар нималар ҳақида сўбатлашганини билмайман. Шоҳназов бизнесмен бўлган, сўбат бизнес ҳақида бўлади... Бизда қабул масалалари билан вице-президент ёрдамчиси Пулатов шуғулланар эди.

Ана шу далиллардан кейин собиқ вице-президент қўл кўтариб, «бас, таслим бўлдим» деган бўлса керак, деб ўйласангиз хато қиласиз. Шукурullo Раҳматовнинг унча-бунчасига таслим бўладиганлар тоифасидан эмас. У бир сафар «йўқ» дедими, вассалом, охиригача «йўқ» бўлади! Шоҳназовнинг «Ўзбекистон Вазирилар Маҳкамасининг консультанти» қилиб

кабрий кўнари Шоҳназов фирмасига пахта жуъатишни тўхтатиш ҳақида Сиз кўрсатма бергансиз. Кейин нима бўлди?

СУЛТОНОВ Ҳ. Т.: — 14 декабр кўни Ш. Р. Мирсаидов менга телефон қилиб қолди. Мен «Андрощ Трейднинг» фирмаси билан қизиб қолган вице-президентга бу контрактлар юзасидан ахвол жиддий тус олганлигини, гуштан дарак йўқлигини ва шу сабабдан пахта жуъатишни тўхтатиш қарор қилганимни айтиб бердим.

Савол: — Сиз вице-президентни ўз далилларингизга ишонтира олдингизми? Хулоса қандай бўлди?

Жавоб: — Ўртоқ Мирсаидов пороходлар бўш қолиб, контракт яна чиғаллашмасин, пахтани жуъатиш керак, деди. Мен «яъши» деб қўя қолдим.

Савол: — Сиз ўз қарорингиз ҳақининг исботлашга уринмадингизми?

Жавоб: — Мен билан фирма вакили эмас, вице-президент гаплашган эди.

Савол: — Сиз шахсан Шоҳназов билан танишдингизми?

Жавоб: — Мен Шоҳназовни кўрган эмасман...

Мирсаидов энди таслим бўлгандир? Энди унга «Шоҳназов менинг дўстим» дейишдан ўзга чора қолмагандир? Эҳ-ҳе, сиз Шукурullo Раҳматовичнинг совуғига қўй ювмасиз. У ўзи имзо чекамаса, лекин муаллиф осмондагидек ҳаммага аён бўлган «Вазирилар Маҳкамасининг консультанти» каби кўз кўриб-қулоқ эшитмаган ғайри-табиий ва шубҳали мағани қандай қутулмоқ кетган бўлса, ҳеч қим тутиб улгурмаган телефон қўнғирогидан ҳам ўзига суз юктирмади. Лекин бу сафар ҳаммасидан — Султонов келтириб ўтган фактдан тоғимаса ҳам: «Телефон қилган бўлсам, қилгандирман, лекин адаласман, менга ҳам Ташқи савдо вазиридан кимдир мурожаат қилувди. Балки Машиаровдир. Бизга гушт керак

Ш. Р. Мирсаидовга савол: — Шоназар Машиаровнинг юксак вазифага тайинланиши бевосита кимга боғлиқ?

Ш. Р. Мирсаидов: — Ўша пайтдаги тартибга кўра, вазирилар ва давлат қўмитаси раислари Президент фармони билан, уларнинг ўринбосари эса Министрлар Совети Раисининг, яъни менинг Фармойишим билан тайинланарди...

Машиаров ва Мирсаидовлар кўчада тасодифий учралиб қолган шахслар эмаслиги «салмоқли» урм чораларидан кўриниб турибди. Танишмоқ, бирга ишламоқ, ёна-ён юрмоқ — инсонга айб эмас. Фақат бирга юриб, бирга туриб, тоғимок не учун? Бу кимга керак? Шоҳназов аёқаси улар ўртасида бир зумлик қорамушлар бўлса бўлгандир. Лекин инсон ўз умр йўлидан қўрт юз ўғириб, терс бурилиш нимами кўрсатади? Мирсаидов Машиаровдан нега ўз ўғириб қолди? Чунки Машиаровнинг «тан» олса, унинг ортидан Шоҳназовни ҳам «тан» олиш керак-да. У бир қўл сийлаш билан, бир ўқда икки қаргани уриб, Машиаровдан юз ўғиритишга тушди. Ўртада бирга кетган хотиралар, сафар таассуротлари, расмий-но-расмий учрашувлар устидан бир ҳамла билан чизик тортиб қўя қолди. Кечягина энг «нозики» масалаларини унга топширадиган, чет элга чиқиса Машиаровнинг юрлоқ-майдаган кишилар уни бутун танимай туришарди. Назорат Улар Шоҳназовдан олдин ҳам бор эдилар, ундан кейин ҳам даврон суришди. Машиаров аллақачон ҳам «оёқ»сининг, ҳам «оёқ»сининг ишончини қозониб улгурган эди! Шоҳназов эса бу ишончини мустаҳкамлаган эди.

Ушбу жиноят ишнинг марказида табиийки Шоҳназов турарди. Икки оғиз суз — Мирсаидов ва Шоҳназов алоқалари хусусида. Шоҳназов Мирсаидов учун «оддий бизнесмен» эдим? Ёки у, Мирсаидов бўрттириб қўрсатганидек, «Республика Озғок-оғзат программаси учун жон қўйдирган» шахсим? Ахс ҳолда ақнавий бир «фирма» билан улкан мамлакатнинг вице-президенти ўртасида қандай боғлиғи бўлиши мумкин? Ўзбекистон Республикаси вице-президенти «5-6 марта қабул қилган», гоҳ Москвада, гоҳ Тошкентда ўпишиб қўришадиган, оилавий бори-қилиб қилиб турадиган бу шахс ким? Шоҳназов қайси мамлакатнинг номидан иш қўйсан шох экан?

Афсуски, унинг қўлида «Ўзбекистон Вазирилар Маҳкамасининг консультанти»дан ўзга арзигулик шаходати йўқ эди!

Шоҳназовни қўлдан буюн ўзбекистон «оқ олтин» ўзига оҳанг-рабодек тортиб келгани, шубҳасиз. Бу бойлика у эрта-кеч йўл ахтарибди. Минг-минг тонналар пахта ва унинг ортидан оқиб келадиган миллион-миллион доллар ҳақли уни ўзига ром этган эди. Ҳўш, бунга қандай еттишмоқ мумкин? Табиийки, Ўзбекистонда қўлрати бир арбобнинг этагини қўлаши лозим эди. Кимга тузюк йўлиш мумкин? Атрофда ким бор? Афсуски, уш шундай тузюкни ахтариб юрган арбоб унинг рўпарасида чикиб қолди. Бизнес тарбиясини олган Шоҳназов бундай иқомиятларни қўлдан бой берадиган анойлардан эмас. Ҳўш, бу ҳақда жаноб Шоҳназовнинг ўзлари нима дейди?

ШОҲНАЗОВ ШЕРИ ШАДАТ: — «АВТ Интернейшнл» фирмасининг Лондон бўлимида ишлардим. Бу фирмага мен Эрон, Туркия, СССР бўйича савдо ишлари билан шуғулланганман. СССР банкларидидаги операциялар ҳам менинг эниммада эди. Фирма раҳбарлари билан алоқамиз бўзилган, мен австриялик бизнесмен, доктор Андрощ билан ҳамкорликда «Андрощ Трейднинг СССР» фирмасини туздик. 1991 йил апрель ойида бу фирма Австрияда рўхатга олинди. Жаноб Мирсаидовнинг қўллаб-қувватлиши тўғрисида фирма тузилиши биланоқ Ўзбекистондан пахта сотиб олишга ҳақарат қилдик. Вице-президент Мирсаидов жаноблари билан Москвадаги учрашувида чоғида гушт масаласи ҳақида гап очилиб қолди. Мен доктор Андрощ билан маслаҳатлашиб, Сизга хабар қилганимни эсимда. Кейин жаноб Мирсаидов телеграмма юборди. У киши бизни Ўзбекистонга келишга таклиф этди. «Интерлока» билан тузилган контракт ана шундай дунёга келди...

Ажаб, ўтмиш ва келажик бетаин бўлган бир ақнавий фирманинг Ўзбекистон вице-президенти билан олиб борган ёзишмалари нимага аниқлади? Наҳотки, шундан кейин ҳам Мирсаидов «Шоҳназов кимнинг дўсти» деган саволга елка кириб, ҳаммасини Машиаровга агараман деб ўйласа?...

«Ўзбекистон Республикаси вице-президенти жаноб Ш. Р. Мирсаидовга.

Муҳтарам жаноб Мирсаидов! Сизнинг илтимосингизга кўра, Ўзбекистон ССР учун гушт тақлиф эттиш шарафига муассарман.

Янги Зеландиядан: 10.000 тонна кўй гушти... 1991 йил май ойида оларидан бошлаб етказиб бериш мумкин. Пахта ва пахта чиқиндис билан ҳисоб-китоб қилинади.

Гарбий Европандан: 10.000 тонна мол гушти... 1991 йил май ойида оларидан бошлаб етказиб бериш мумкин. Пахта ва пахта чиқиндис билан ҳисоб-китоб қилинади.

Чуқур ҳурмат билан Шери Шоҳназов «Андрощ Трейднинг СССР» Президенти 1991 йил 2 апрели».

«Андрощ Трейднинг СССР» фирмаси президенти жаноб Шери Шоҳназовга.

Ўртадаги аҳдланувга бинаво, шунинг тасдиқлашмики, Ўзбекистон Республикаси пахта ва пахта чи-

қиндис ҳисобига «Андрощ Трейднинг СССР» фирмасидан 20.000 тонна гушт сотиб олишга тайёр.

Пахта ва гушт етказиб бериш графига, махсуслотлар баҳоси ва сифати 1991 йил май ойининг биринчи ўн кунлиги давомида фирма мутахассисларининг Тошкентта сафари вақтида аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси вице-президенти

Ш. МИРСАИДОВ.

1991 йил 18 апрель.

Ҳўш, бевосита вице-президент раҳбарлик қилган «пахта-гушт» операцияси нима билан тугади деб ўйлайсиз? Тўрт ой ичюда «Андрощ Трейднинг СССР» фирмасига Ўзбекистондан 7.275.5 тонна пахта толеси жуъатилди. Унинг ўша пайлаги бозор баҳоси — 11.203.400 АҚШ доллари тег эди! Бунинг эвазига Шоҳназов фирмаси республикага нима тақдим этди? Ўзбекистонга 44318 тонна ёки 5.694.900 долларлик гушт жуъатилди холос. Қани, фирма Президенти жаноб Шоҳназовнинг вице-президент Мирсаидов жанобларига ваъда қилган 20.000 тонна гушти? «10.000 тонна Янги Зеландиядан, 10.000 тонна Гарбий Европандан» келадиган гушт қани? Бу ваъдалар қайси шамоқларга ўчиб кетди? Ўзбекистон фақат биргина «пахта-гушт» контрактлари ҳисобига 5.508.500 долларни бои берди! Бу маблаг осмонга учгани йўқ, ерга ҳам киргани йўқ, табиийки, кимларнингдир қўлтигага шўғилди! Ҳўш, кимнинг? Бордан йўқ бўлмайди, йўқдан бор бўлмайди. Энди ҳам Шоҳназовни сехрлар демай бўладими? Шоҳназовнинг сири нимада эди? У кимни сехрлаган эди? Ёки ақнавий? Унда қойил...

Назаримизда, «пахта-гушт» операциясининг ҳали қўлтига очилмаган қирралари бор. Бу «аҳдланувлар», «урашувлар», «ўтишувлар» замирида узокки қўлаган мақсадлар ётган экан? Сўбети йилларда Мирсаидовнинг москвалик эски қадридон — Парамоновга эътибори кескин ортиганлиги нима билан боғлиқ экан? Шоҳназов — Парамоновнинг кўёвни Парамоновнинг кўёвига Тошкентда чексиз иззат-ҳурмат қўрсатилган бўлса, Мирсаидовнинг ўли Шухрат Мирсаидов Австрияда «Андрощ Трейднинг» фирмасининг нафисда эрияттой бўлиб юрди, Венадаги «Остеррайхские ливер-банк»да Шухрат Мирсаидовнинг таълим олишини ҳаминдан қил суғургандек қойил-мақом қилиб уюштирилган «Андрощ Трейднинг» фирмаси унинг инглиз тилини ўрганиши учун 80.000 шиллинг, яъна турган уй ҳақи учун 170.000 шиллинг пул тўлаган бўлса, 1991 йил сентябидан 1992 йил май ойига қадар (муддатларга эътибор қилинган) Ўзбекистон пахтаси Австрия фирмасига тўхтовсиз оқиб турган вақтлар (сатр-сатр) Шухрат Мирсаидов фирма кассасидан майда ҳаражатлар учун ҳар ойига 8.000 шиллингдан — жами 72 минг шиллингни кўртдек санаб олади.

1992 йил ноябрь ойидан бошлаб эса, Ўзбекистон Республикаси вице-президентининг ўли «Андрощ Трейднинг» фирмасига ишга қўлдан қилинади! Ўзбекистонда очилган қўлтига корхоналардан бири — «Иновариант»нинг тижорат директори Шухрат Мирсаидов ана шу зайдда Шоҳназовнинг ўнг қўлига айланди. «Араванинг катта гилдираги қайқа юрса кийим ҳам шу йўлдан юради» дейдилар. Лекин биз Ўзбекистонлик ёш бизнесмени айблов фикридан йироқми. Оталарнинг иши учун фарзандлар жавоб беришлик керак. Оталар эса фарзандлар учун жавобгардирлар. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Бунинг тескарисини ҳам қўл замоналар бошдан кечириб келдик. Ленин-Сталин каттагон даврида, ундан олдин ва ундан кейин ҳам! Бу ҳақда энди қайтарилмаслигини керак! Ўз фарзандиқни қўздан қок оқмасин десак, айвало ўғалар фарзандига ҳам бефарқ қарамаслигини керак! Шухрат Шоҳназов қўлга тузюкка баъзи кишиларга, бироқ бу тузюкка ундан каттароқ «арбоб»лар ҳам шўғилланганини назарда тутсақ, ёш коммерсантининг аҳволини тушунишга бўлади...

Ҳўш, Шоҳназов энди кимнинг дўсти бўлиб чиқди, дерсиз? Шоҳназов ҳеч кимга дўстлик қилмайдиган қўнғилди! Мана, ярим йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг чақиригига у овоз бермади. Астойдил жамкорлик қилишга шай бўлиб турган на Россия Прокуратураси, на Австрия Федерал полицияси ҳам бу ишда ёрдам бера олмаётир. Наҳора, Шоҳназовнинг ўзига инсоф берсин! Лекин биз Шоҳназовни топшиш мақсадида ушбу ҳужжатларни титиллаганимиз йўқ. Аслида Шоҳназов ким? Бир ватангадоини тутиб келиб, Ўзбекистонда сул қилиниши бизнинг тарихимизни бе-зайид, деб ҳам айта оламизки. Ҳамонамки, собиқ вице-президент «Шоҳназов» менинг дўстим эмас, уни мен тоғган эмасдим» деб ёзишлаган тарафини бермас экан, уни ҳам тушуниш бўлади: «Арслон» қилиб қайтмаслиги керак! Лекин ана бир ҳужжатини синчиклаб қараб чиқсак, собиқ вице-президентнинг асил «дўсти» ким ва аслида у кимга илтифатини пайқаб олсак, ажаб эмас, Шоҳназов балки ана шу «ўйиндан усталик билан фойдаланган»дир.

ПАРАМАНОВ Сергей Васильевич, Биродарлашган шаҳарлар халқаро ассоциациясининг биринчи вице-президенти.

Савол: — АҚШ, Англия ва бошқа мамлакатларда қачон ва қайси вазифаларда ишлагансиз? Жавоб: — 1972—1976 йилларда Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамиятининг Хиндустондаги вакили сифатида Мадрид ва Калькутта шаҳарларида ишладим. 1978-84 йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳузуридаги СССР ваколатхонаси қўшида шу ташкилотнинг вакили сифатида Нью-Йоркда иш олиб бордим. 1989 йилда шу ташкилотнинг Буюк Британиядаги вакили совет элчихонасининг маслаҳатчиси бўлиб турдим.

Савол: — Шери Шоҳназов сизга ким бўлади? Сиз уни қачондан буюн танийсиз?

Жавоб: — 1989 йили кўзда Лондонда қизим Юлия Шери Шоҳназовни менга ўзининг бўлажак қайлиги сифатида таништирди. Улар Москвада бизнинг йўғи-мизда танишган эканлар... Шери ўзини «АВТ» фирмасининг Москвадаги вакили деб таништирди.

Савол: — Ш. Р. Мирсаидов билан қачондан буюн танишсиз?

Жавоб: — Шухрат Мирсаидовни 1984 йилдан, у Тошкент шаҳрининг мэри бўлган пайтдан буюн яхши биларман. Мен у пайтда Дўстлик жамиятида биродарлашган шаҳарлар бўлимининг mudiri эдим. Биродарлашган шаҳарлар бўйича биргаликда олиб борган ишларимиз натижасида ўзимиз ҳам биродарлашиб кетдик. Хизмат алоқалари дўстлик алоқаларига айланиб кетди.

Савол: — Ш. Р. Мирсаидов, сизнинг оилавий тантаналарингизда қатнашган пайти ҳам бўлганими? Ўйлаш, қачон ва қай ҳолатда?

Жавоб: — 1991 йил Шухрат Раҳматович менинг туғилган кунинида иштирок этди. 1991 йил 2 июль кунини менинг уйимда энг ақин кишиларим тўпанишган эди. Шу жумладан Мирсаидов ҳам... Кеңроқ Янаев келди. Ўнг қўлимда Янаев, чап қўлимда Мирсаидов, рўпарда Шери ўтирганди...

Савол: — Янаев билан қачондан буюн танишсиз?

Жавоб: — Янаев билан узок йиллар бирга ишлаганимиз. 1967-72 йиллар мен Ўшлар ташкилотини қўмитасида ишлаганман. Янаев 1968 йил бу ташкилотнинг раиси қилиб тайинланди. Мен Чет эллар билан дўстлик жамиятида ишлаган кезларимда Янаев шу ташкилот раисининг ўринбосари эди. Янаев мана шу ердан ВЦСПСга қўтарилиб кетди, кейин СССР вице-президенти бўлди...

Икки вице-президент Москва кўчаларидан биридаги хилват квартирада ўша тун ширин каф аралаш нималар ҳақида орзу суриб, қандай хайёллар устида қўлб кўртган ҳақида биз фол очиб ўтирмаймиз. Лекин ҳаётнинг муқаррар ҳўласаси шунки, ҳар икки «вице»нинг юраги бир иштиқ билан телиб, мансаб дардида бир хилда тўлганганини кўп ўтмай вақт ошқор этди... Халқимнинг доно мақоли бор: «Сен дўстининг айт, мен сенинг кимлигингни айтман».

Ушбу иш юзасидан суд ҳўми ўқилганига бир неча ҳафта бўлди. Собиқ вице-президент раҳна-молигида тузилган «Пахта ва гушт» контрактлари оқибатида 5.5 миллион АҚШ доллари миқдорда Ўзбекистонга зарар етказилганлиги тан олинди. Кимнинг кимлиги шубҳасиз фол этилди! Суд ҳўминини сатр-сатрда таскорлаб ўтирмаймиз. Қолаверса, биз суд ҳўми билан эмас, ҳўж-жатлар билан тиллашдик. Одамлар билан сўбатлашдик, гувоҳларни тилладик. Ассослар, далиллар, фикрлар, ҳўжжатлар ва адолат нури бизни кўпроқ ўзига тортиди. Ушбу очеркда суд ҳўминини тақдор этмадик, уни инкор ҳам этмаймиз. Биз кўпроқ оддий одамларнинг гоҳ-оҳ ўз раҳбарига, тепасида турган арбобга ишониб қўлини илтижосини тилладик. Ушбу очеркда нимаики ёзилган бўлса, биз унга ўз қалбимизнинг иқрори ва ҳўминини асос қилиб оладик. Ва бизнинг талқинимизни ҳеч қим алоҳида ҳўк сифатида қўл қилишни истамаймиз. У сўлда тақдим этилган ҳўжжатлар талқинидир, холос. Табиийки, суд ҳайъатини ишнинг жиний ҳолатлари кўпроқ қизиқтирган бўлса, биз учун халқимиз тепасида туриб иш қўрган арбобларнинг, раҳбар шахсларнинг маънавий жиҳатлари кўпроқ аҳамият касб этди.

Қўнға ва қадимий, оқ соч Ўзбекистон ўзининг ҳақиқий мустақиллигининг 2 йиллигини қарши-ламоқда. Икки йиллик мустақил ҳаётда биз нималарга эришдик? Агар йўлимизда шундай нопок «арбоблар» бўлишмаганида, «пахта-гушт» каби бетавфиқ, ҳаром-хариш контрактлар, мафияга қаттишган турфа қинғирликлар оғир-қизилдан чалмаганда меҳнатқаш теъроқ тиллаган бўлмасмики? Бир ҳаром-хариш нима билан Натан ва ватандошларнинг миллион-миллион боллигини қўнға соғурган кишилар, афсуски, «оталар тарбияси», «коммунистик сиёсат», «сиёсий раёқидан» ўз олтин қабри савфата ва уйдирмалар тўғрисида мақсад нима? Ким билмайдик, дейсиз, оғир жиний ишнинг оқибати оғирроқ бўлиши ҳам мумкин эди! Бугун уларни қонун афв этди. Мустақиллик меъаси бўлиши амнистия шарофатидан улар ҳам баҳраманд бўлишди. Биз ҳам «оғир назво» ишқибоз эмасмиз. Лекин ҳалқнинг кўнға оёқ қўйиб, унинг бойлиқлари устидан топташ, иззат-нафси устига чиқиб тепкилаб ва яна андишанинг отини кўрқуқлик санамоқ — бориб турган беҳаёлик ва иймонсизлик эмасми?

Шоҳназов тақдири нима бўлди, дерсиз. Шоҳназов — қидирувди. Бир ватангадоини Ўзбекистонга қайтарилдиш катта воқеа бўлмайди. Бироқ бу шайтон ўзи билан Ўзбекистон «арбоб»ининг ошмуна сир-асорини олиб юрдиби дейсизми? Мамлакат мустақил ҳаётга қадам қўйиб, жаҳонга юз ўтирган бугунги кунда «Шоҳназов» воқеаси янги ишга қўл уратётганларга сабоқ бўлусидир. «Ҳақиқатини кўнға бўлмайди» деган ишонч ҳўмин ҳўқуқий давлат йўлини танлаган Ўзбекистон учун, унинг бутунги фидойилиги учун на келажак истиқбол учун керак. «Имзо»лардан, сатфоллардан на, ниҳоят қоронғида тоғилган Шоҳназовлардан қўл сийлаб, жаҳондан қутулиб қолш мумкин, лекин қутулиб бўлмайди! Афсуски, ар-боб бўлиш, осон, лекин одам бўлиш қийин экан.

Эҳ, Шоҳназов, шайтон Шоҳназов!

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ.

Б И Л А Н , А Р Ё В

тракт тузилиб бўлган, 1 май кўни Шоҳназов ва унинг ҳамроҳларини Москвага кузатдим ва бу ҳақда вице-президенти ахборот бериб қўйдим.

Б. Ҳ. Пулатовга савол: — вице-президент ёрдамчиси бирон-бир масаласида ўз раҳбаридан берухсат ёки уни четлаб ўтиб қадам ташлаши мумкинми?

Жавоб: — Йўқ, бу мумкин эмас. Биз ҳамма масаласида ўртоқ Мирсаидов топшириғини бажарганимиз.

Вице-президент Секретариатининг собиқ mudiri Т. А. Юсупов: «Ўзгавалетсасобит» бошлиғи Ш. Габулдин, унинг ўринбосари Коровкин ва бошқалар ҳам шахсан вице-президент Мирсаидов топшириғи билан Шоҳназов билан учрашгани, у ёки бу масалани ҳал қилгани ва катта-кичик ҳўж-жатларга имзо чекишгани хўсу-суида гувоҳлик беришди. Гувоҳлик беришга қўлмай, собиқ вице-президент билан бўлган юз-таштиришда ҳам бу кўрсатмалар ўз тасдиқини топади. Лекин шунга қарамай, собиқ вице-президент унча-бунчага ўз фикридан қайтмади. Ўзбекистонга ўзга-ўзга келган алоқалардан эмас: «Шоҳназовни билмайман, танимайман, ҳўзурифта кирса-киргандир, ҳўкумат раҳбарининг қабулида юзлаб, минглаб одамлар бўлишди, мен қайси бирини эслайман. Шоҳназовни эса қўрганам ҳам йўқ, эслолмайман ҳам. Нима бўлса — Шоҳназов ва Машиаров ўртасида бўлган. Контрактлар учун Ташқи савдо вазирилик жа-воб бериш керак. Такорр ва такорр айтаман, бунга менинг алоқам йўқ».

Катта одам қасам ичиб, ўзини «ж. ўзгаларни қора деб турса, қийин бўлар экан. Ажаб, ҳамма қон-қора-у, у киши оппоқми? Бир киши тўғри-ю қирғи киши эгрими? Мана шу ўринда, Шоҳназов қўлга тутқазилган яна бир ҳўжжат бўлиб, унга кўра «Шери Шадат Шоҳназов» Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг консультанти» деб эътироф этилган қудратли ҳўжжатга асосан Шоҳназов чет элда Ўзбекистон ҳўкумати номидан бемалол иш қўра олиш ваколатига эга бўлган. Бу ҳўжжатга ҳам вице-президент фатно берган-у, лекин «сузонни кўлаб» имзо чекамган. Устаси фаранглигини кўринг! Мафия оламида бунинг балки ўзига ҳос «донийш-мандлик» деб билишар? Ҳарқолда, вице-президент ё бу «мак-тибда» ўқиган, ёки дарс берган! Акс ҳўлда у ҳамма жойда имзо-ларини бунчалик маҳорат билан чаққаштирмаган бўларди! Ҳўш, имзо чеккан «айбдор» нима дейди?

ҲАМИДОВ Бахтиёр Султонов, республика Бош вазирининг ўринбосари: — «Андрощ Трейднинг СССР» фирмасининг вакили Ш. Шоҳназов «Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг консультанти» қилиб тайинланганлиги ҳақидаги ҳўжжат остидаги имзо менга тегишли. Лекин аслида у ҳўжжат вице-президент аниқратиди унинг ёрдамчилари томонидан бевосита Шоҳназов иштирокида тайёрланган эди. Бу хатини менга Шоҳназов билан вице-президент Секретариатининг mudiri Юсупов олиб келди. Уларнинг келишидан сўз олдинроқ Ш. Р. Мирсаидов коммунатор

ОСОЙИШТАЛИК АСОСИ

(Давом. Бош 1-бетда).

ҳеч қандай одамийлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди. Ҳамма Кремлдаги корчалонларнинг ва аски майдондаги ҳужайинларнинг иродасини бажарди, ҳужайинлар эса Усмоновнинг фойдага қўйиб ташлашдан қўриқиб кетган эди.

Шунга қарамай, яқинда юз берган ана шу фожианинг сабаби фақат Кремлдаги ишбилармонлар деб ўйлаш нотўғридир.

Ўзбекистоннинг жафокаш халқи «қайта қуриш» де-сантининг ҳақиқий ишлари-ни қўриб, уларни тўхтатиш, ўзбошимчилиги давом эттиришга йўл қўймаслик мақсадида жипслашди. Лекин республикада улар билан тил топишган, шу ерда туғилди ўсган кишилар ҳам бор эди. Улар ҳомиёларнинг юқори лавозимларга кўтарилиши ўзларининг ҳам янги амалга оширишга ёрдам беради, деган илҳижда ўз тақдирларини марказ вакиллари билан боғлаган эдилар.

Шу вақдан ҳамюртлар бошига тушган қулфат, халқ ва ватани бошига тушган оғир синовлар улар учун ор-тиқча бўлиб туюлмади. Ме-нинча, уларнинг ҳар қандай вазиятга қарши мослаши-ши, ахлоқ қоидаларини ме-симаслиги, ҳар қандай йўл билан «назардан тўшмаслик-ка», ҳокимиятдан жой то-пиш учун курашишга тайёр-лиги илҳида «қодимлар мактаби» тарбиясининг на-тижасидир.

Тарих қайси то-монга бурилмасин, ҳар қан-дай ҳолда ҳам бу одамлар мансаб шахсини шукратпа-растик учун курашда сўз-си-зи қатнашган, ён-атрофда-гиларга сон-санокисиз қул-фат ва ёлм келтирган бўлар-эди. Бизда, Ўзбекистонда ҳам ҳокимият учун паст-ка-шлик билан куралиш со-биқ марказидан билан ҳам-оҳанг эди.

Бундай «арбоблар»нинг кўп ҳақида республика матбуотида бир неча бор эъланди. Мен ўша гапларни тасвирлаётган эдимасан, бу «арбоблар» алоҳида эътибор беришга арзийдиган одам-лар эмас. Қўйиб берса улар ўзларини нодир деб ҳисоб-лаш, ер юзиде бизнинг ўр-нини элоҳида деб ўйлаш мумкин. Шунга қарамай, уларнинг баъзилари ҳақида сўзлаб бермоқчиман.

Республикада учун ўша оғир йилларда Ўзбекистон Давлат Хавфсизлиги Ко-митетида ҳал қилувчи лаво-зимларнинг бирини эгаллаб турган, кейинчалик Респу-блика Ички ишлар вазирли-га бошчилиги қилган Б. Ка-молов ана шундай амалпа-растар тўдасига қўшилиш-ди. Камолов даврда Ўзбекистон фуқаролари Марказий Ко-митет котибларидан қор-тиб қолхозчиларгача ҳа-момда ушшаб турши мундта-ларини бузиб, кўпчида ҳеч қандай айбон бўлмаган ки-шилар ҳеч бир қонуний асоси-зи ҳам Давлат Хавфсизлиги Ко-митетининг тергов авах-тасида сақланди. Марказ ва-киллари ўз ватанида бегуно-х кишиларни ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўл-ган халқнинг қўқуқлари, маънавияти ва туйғулар-и билан ҳисоблашмай, жиноий усуллар билан улардан ўз-ларига керакли қўрсатма-ларни олишга эришди. Улар жиноятчиликка қарши ку-рашмадилар, балки, ўзлари жиноят қилдилар. Қўртдош-ларига қарши қатанонлар-да уларнинг гунаҳасига айланган Камолов мансаб погониси бўйлаб тез қўтари-ла бошлади.

Ҳозир у ҳамма лавози-лардан акралаган, Москвада яна эски ҳунарини қўрсати-пти. Олдин Ўзбекистонда ҳу-қуқни муҳофаза қилиш хо-расига бошчилиги қилганни пеш қилиб, тўғри ўн тўп-лаган материалидан (?!). Фойдаланиб, республикадаги ҳозирги вазиятга доғ ту-шурини уринмоқда. Ана ўша тоифа билан, Ўзбе-кистондан шармада деб чи-қиб кетган собиқ келгинди раҳбар билан биргаликда ҳа-ракат қилипти. Камолов-нинг қўзлаётган манфаат-лари, нимадурга умид қи-лаётган тўшунари. Аммо энди у Ўзбекистон халқи-нинг манфаатларини тўғри-да санимай жон куйдираёт-ганига ҳеч ким ишюмасе ке-рак.

Бир вақтлар Камоловга: сиз қўзлаб бегунох одамлар-

ни ҳибсга олишингиз мум-кин. Лекин билиб қўйинг, вақ-ти келиб бу ишларингиз учун жавоб берасиз, дейиш-га бир эмас, бир неча асосим бор эди.

Ҳаётда кўз юмган киши-ларни ёмонлаш оdatим йўқ. Лекин вазият шундайки, бу ҳақда гапирмай ўтолмайман. III. Рашидов даврда катта лавозимларни эгаллаб тур-ган, ҳаётининг сўнгги йилла-рида эса Уруш ва меҳнат фахрийлари республика кеңашининг раиси бўлган Р. Ғуломов ҳам марказ ва-киллари «ёрдам»дан фойдаланиб қолди ва эвазига уларга хизмат қилди. Раши-дов раҳбарлиги қобилияти жи-ҳатдан ўзидан беҳисс усту-шах эканини Ғуломов кўп йиллар тан олмади. Раши-дов эса Ғуломовнинг ўнатек-ган иззатталабчилигига ва шу билан боғлиқ «ранжиш-ларига» қўнғилчаланиш билан қаради. Ўзбекистондаги би-ринчи шахсининг обрўсига пўтур етказиш ва уни ёмон олтиқча қиришга уриниб барча иттифоқ идораларига тўхтовсиз ёзган хатлари учун уни таъкиб этмади.

Лекин гап Рашидовнинг ҳаётлигидаги муносабатлар ҳақида эмас. Рашидов ўли-мидан сўнг Ғуломов ундан «ўч олиш» вазасида дош бера олмади. У Алишев, Огаров, Сатин, Гоговин, Камолов, Гайдаров, Гдлий ва Ибрагимов билан алоқа ўр-натиб, уларга Рашидов ҳур-мат қилган раҳбарлар қан-дай жўлаштирилганини тас-вирлаб берди. Рашидовнинг дўстлари, сафдошлари, қа-риндошларини кўрсатиб бер-ди.

Айни пайтда Ғуломов маълумот олаётган киши-ларнинг қайлиги қандайли-гини билмаслиги мумкин эмасди. Олис режаларни қўзлаётган бундай кишилар учун одамларни таъкиб ости-га олиш, навбатдаги шов-шувга сабаб бўладиган «иш-ни» тайёрлаш учун фойда-ланиб қолишга уриниш, ҳаё-тини, оиласини ҳам барбод қилиш учун Рашидов билан бир марта ушлардан бўлса кифоя эди. Ғуломовнинг та-всия билан жуда кўп муно-сиб кишилар, қобилиятли раҳбарлар «қатагон маши-наси» гилдирига остида қо-либ кетди. Ана шу киши-ларнинг хотираси, адолат-ни тиклаш истаги мени, та-корор айтман, марҳум тў-ғрисида шундай гапларни ай-тишга мажбур этди.

Ўзбек халқининг, респуб-ликада яшовчи барча аҳо-лининг кичикроқ тоифада-ги душманлари ҳам бор.

Бухоро вилоят газетаси-нинг собиқ ходими Санобар Шерматов Гдлий билан Ибанонович Бухорога ке-лишини ўзи учун ҳам «и-моният» деб ҳисоблаб Та-биинини, у етарли шар-гуруҳнинг «тергов»лари савиясини ҳам, айрим те-рговчиларнинг жиноий усул-ларини ҳам баҳолашга қо-дир эмасди. Аммо, Бухо-рода ҳалол-поклиги билан танилган одамларни бири-кетини қамоққа олиб, ак-синча ўзларига мақбул қўрсатма бергани учун са-во до тизимда қинғир ишпа-ри билан ном чиқарган ки-шиларни қамондан бўшат-ганларида ва ҳатто уларни ишга тиклаб бошлаганла-рида нимадур бўлаётганини гўрт аҳмоқларга тушуна-олмаслиги мумкин эди. Ше-рматов эса ҳеч нарсани қу-ришни хоҳламади. У ўз «қомиллар»нинг итоаткор курулгига айланди — улар учун нима зарур бўлса шу жақда ёзди, бошқаларнинг гапини ўз номидан тақор-лади, ўз республикасига беғоналар қўзи билан қара-ди. Республикада марказ вакилларининг ўзбошимча-лиги шармадалик билан пеш қилиб, Шерматов вага-нин халқини, фарзандлар-ни ташлаб, уларнинг ор-тидан жўнади.

Шерматов «Московский новости» газетаси саҳифа-лари орқали на республи-кага, на унинг халқига ях-шилик тилайдиган киши-ларга хизмат қилишни да-вом эттирмоқда. Шермато-вининг ўзи собиқ ватани қийинчиликларини кўриб, очикдан-очик хурсанд бў-лганда, унинг қўнғиллари бор кучи билан қамайтириб қўрсатишга уринмоқда.

Ўзи туғилди ўсган дий-рга очикдан очик душман-лик шу қадар бепарда ва

нафратлики, мен ўзимни тутат олмай, шу йилнинг март ойида унга хат ёздим. Шу хатни бироз қисқарти-риб эътиборингизга ҳаво-ла қиламан, чуқки хат ку-сусий тусда эди. Ундаги ай-рим иборалар матбуот учун мақбул эмас:

«Сенга қандай мурожаат қилишни ҳам билмайман— Санобар Шерматовмисан ёки Асал Аъзамовмисан? Фарзандидан кечган сот-қин онамисан, халқиндан кечган сотқинимисан? Нима бўлганида ҳам шу сўзлар-нинг маъини чак. Сен 1983—1988 йилларда Гдлий республика халқини қиргин қилганда бундан роҳатлан-ган эдинг. Фарғона, Қўнон, Андиқонда ақдлапарастлар қон тўкишганда сен бундан роҳатланган эдинг. Алдан-ган ёшлар Тошкентда тўп-ланиб, «Бирлик» ва «Эрк»-нинг нопок вакиллари раҳ-барлигида бебошлик қилиш-ганида сен хурсанд бўлган эдинг.

Тоғли Қорабоб, Озарбай-жон, Арманистон, Гуржи-стон, Абхазия, Осетия, Ин-гушетия, Тожикистондаги қонли воқеалар ҳақида ёз-ганида бундан роҳатлан-ган эдинг.

Фарзандларини ташлаб кетиб, халқини ташлаб кетиб, сен Ўзбекистон га-муссига ботиши учун, кўп қон тўкилиши ва қашшоқ-лик бўлиш учун ҳамма иш-ни қилгансан. Ёзган хабар-ларин билан миллатларо-нифоз уруғини соғинаш урингансан, бир ҳаракатни иккинчисига гиж-гиклап-сан.

Мен сизга билан шуғул-ланмайман. Аммо, Ўзбекис-тоннинг ҳозирги сийсати тинчлик, тотувлик, иқти-содий барқарорлик йўли-дир. Буни аввал ёлгон гап-лар, уйдирмаларга учиб ту-шуниб етмаган, сенга ўх-ша матбуот вакиллари, Гдлийга ўхшаган депутат-ларни қўзлаб-қувватлаган бошқа республикалардаги би-ринчи шахслар, раҳбар-лар энди тушунишди.

Ҳозир сен Ўзбекистонда-ги муштаткам барқарор-лиқни кўриб тилишини ё-жилартаётган, милларинг-дан қон оқаётган бўлса керак. Ўзбекистон раҳбария-ти барча адолатли, ҳақиқ-талабларни қаноатлантирди ва қонун тусига киритди. Бу эса бир халқини иккинчи-сига гиж-гиклаган айрим жамоат ташкилотлари раҳ-барлари баъраганини кўрса-тиб қўлади.

Мен «Бирлик» раҳбар-и Пўлатовни яқинда кўрган-ман. У қомпартидан чи-қарилганидан кейин Куйбо-шев туман комитетининг би-ринчи котиб кабинетига ўз партия билетини қайта-риб беришни илтимос қи-лаётган эди. Ўша вақтдан би-ринчи котиб А. Нурмо-нов уни кабинетдан ҳайдаб чиқаришга мажбур бўлган эди. Бундай одамлар халқ-тарafdорли эмас, улар одам-ларнинг кайфиятларидан фой-даланиб, баландпарвоз гап-сўзлар нибойига яшириниб ҳокимиятга интиладилар.

Лекин уларнинг сийсати ҳам сенинг сийсатинг каби боши берк қўчадан иборат. Қариндошларинг, қилчи-ларинг ҳозирги ишларини ке-чиртирармикан, билмай-ман. Аммо, қўнғиллик юр-тидошларинг, турли миллат кишиларни фикрини била-ман. Уларнинг фикри ме-нинг фикримга ўхшаш. Ўз-бекистонда қонли фожиага йўл қўймаслик учун ҳамма ишни қиладиган маслак-дошлар кўп. Биз Тожики-стондаги фожиаларни кўр-дик, у ерданги сценарийни кўрдик, бинобарин сен каби кишилар бундай фожиада қандай ўрин тутиши ту-шунарилди.

Сен ўзинг қандай иш ту-таётганини тушунасанми? Сенинг ёзганларидан вази-ят ёмонлашмоқ қолмай-ди, бизнинг бу ерда, сенинг собиқ ватанидага кечаёт-ган ҳаётимизга ҳеч қандай таъсир қилмайдми, мен били-ман. Аммо, сен ҳозир-ги аъволнинг билан нис-бонимсиз йўқ бўлиб кетишга маҳкумсан. Сотқиндан қае-рда ва қандай мақсадда фой-даланилмасин, уларнинг тақ-дири ҳақида шундай бўл-ган.

Бу хатин Шерматов ёки Аъзамов олган. Бу хатга унинг муносабатини ҳам, у кўп ўзбекистонликлар, жу-младан, менинг ўртоқларим

В. ГАВРИЛЬЯН, «халқ депутатлари туман кеңашининг депутаты. Тошкентдаги республика отчопарининг бш дирек-тори.

(«Правда Востока»нинг 1993 йил 8 июль соҳи-дан).

ҳақида қандай гапларни айтаётганини ҳам биламан. Москва доираларида у кимга ва нима учун мурожаат қи-лаётганини ҳам биламан. Нима ҳам дердик, бурқини гўр тўғриладми. Бизни кўрқитмади, деб умид қил-масин. Биз у ўйлаган одам-лардан эмасмиз. Яхшиси, ўзининг келажиги, ўз тақди-ри ҳақида ўйласин.

Барча халқлар ва барча миллатларни ҳаммаша умум-башарий қондалар бирлаш-тириб келган. Бундай қон-даларнинг энг асосийла-ри — ҳар бир қондалардаги тинчлик ва эсон-омонлик, ҳар бир оиладаги мулчилик ва бахт-саодатдир. Агар умумий кучимиз билан ўз ватанимизда — Ўзбекис-тонда ана шунини таъминлай олсак, бу билан ҳақли ра-вишда Фахрлана оламиз. Собий Иттифоқ ҳудудда тузилган бошқа давлатлар-нинг фуқаролари ҳам, шуб-ҳасиз, буни бизнинг энг буюк ютуқларимиздан би-ри, деб қадрлайдилар. Чу-ки, республикада тинчлик ва осийишталик барқарор-лик — оилаларимиз ҳавф-сизлигининг сақланишидир, бу хотиржам ишлаш, иқти-содий фаровонликка эри-шиш имкониятидир.

Мен бировга сажда қи-ла, деган қонда асосида яшайман. Анс ҳолда пушай-мон қилишга тўғри келади, бу кўп марта тасдиқлан-ган. Лекин мулоҳаза билан-дан қўришшга қўмқалаша-диган, ақлдорнинг ҳуш-ёрлигиндан қаноат беради-ган, оддий кишиларнинг манфаатларига мос келади-ган ҳамма нарсани қўзлаб-қувватламаслик оқилона иш эмас. Мен Президент Ка-римовнинг сийсатида дини, миллати ва эътиқодидан қатъий назар Ўзбекистон-да яшайдиган ҳар бир кишига, ўз меҳнати ва сарб-бардоши билан фарзандларимиз учун тинч, фаровон ҳонадонни барпо этишга ҳисса қўша-ётган ҳар бир кишига таъ-мин қилиш керак, деган гап-ларини жуда қадрлайман.

Маълумки, Шарқ халқла-рининг нонга муносабати бутунлай бошқача. Бу за-минда уларгаган кишилар-ном ушогри ерга тушишга мутлақо йўл қўймайдилар. Агар ерга ушог тушганини қўрсалар, албатта уни олиб қанигини пўрлаб, тозалай-дилар. Бу фазилат ёшлик-дан сингирлидиган, авлоддан-авлодга ўтади. Бу — муқад-дас фазилат. Аммо шунга қарамай, ҳозир республи-када барқарорлик, миллат-ларро тотувлик ва фуқо-ра осийишталиги бири-ринчи ўринга қўйилди. Бунинг сабаби нимада? Сабаби шун-даки, фақат фаровонлик ва осийишталигинга фар-зандларни қамол топтириш, пахта ва ўша муқаддас ҳи-собланган донни еттишти-риш, пўлат эритиш, уйлар-ни барпо этиш имконияти беради.

Ўзбекистонимиздаги тинч-лик ва тотувлик эса бутун ўзбек халқининг, унда яшов-чи барча аҳолининг доно-лиги, тотувлиги натижаси-дир. Мен бу ҳақида шунинг учун ёзмоқдаманик, республика-мизнинг собиқ Иттифоқ марказидаги «хайрхоҳлар» тўдасининг уринишлари рес-публикада раҳбарлик дара-жасига кўтарила олмаган, юқори лавозим ва ҳоки-миятни оруз қилаётган ки-шилар томонидан тақор-рихоҳлар. Иттифоқ парча-ланиб кетганидан сўнг ҳа-қиқий кучини йўқотди, ле-кин уларни шарманда қи-либ чиқариб юборган дав-латга зарар етказиш истаги-ни йўқотгани йўқ. Улар ўз халқи фаровонлигига пўтур етказиш соҳасида ўзини си-наб қўришга тайёр турган шахсларга бошпана бермоқ-далар. Ана шу «омад кети-дан қувганларни» фожиа-лардан нахотки қўчмасе, Москвада мадад беришлари-га умид қилишга тўғри бўлса, биз уларнинг қадр-қиммати қан-чаллигини яхши англаб оли-шимиз лозим.

Бинобарин, ҳаммамиз-нинг эсон-омонлигини таъ-асос бўлган юртимиздаги тинчлик ва барқарорлиқни кўз қорачиқидек асрашимиз ва ардоқлашимиз керак. Уларга муносиб жавоб бе-ришга, қирқдорларнинг фой-дашга ҳаммаша тайёр тури-шимиз лозим.

В. ГАВРИЛЬЯН, «халқ депутатлари туман кеңашининг депутаты. Тошкентдаги республика отчопарининг бш дирек-тори.

(«Правда Востока»нинг 1993 йил 8 июль соҳи-дан).

Сиз кутган учрашув



ДАРЁЛАР СОБИТ, СУВЛАР ЎТКИНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ, ОРИҚ ОТАЖОНОВ БИЛАН МУЛОҚОТ

— Хоразм қўшнқчилик санъати ўзига ҳослиги билан ажралиб туради. Унинг ана шу хусусияти нимада деб ўйлайсиз?

— Хоразм қўшнқчи-рининг ўзига ҳослиги шунда-ки, уларда қандайдир қўш-қинлик, кўтаринкилик ва таъбир жоиз бўлса, мардлик туғилурли уфурли туради. Уларнинг оҳангига йини, ялиниш мутлақо зид. Ўзи-бор берган бўлсангиз, улар-да ёқимли, мулоийн. Хо-разм шеваси ҳам ўзига яраша ўрин тутди, бу шева эса ёқимли, ширин талаффуз қилинади. Бундан қўшнқ-нинг жозибаси янада орта-ди.

— Кўпроқ хоразмлик шо-ирларнинг шеърларига му-рожаат қилинганидан бо-ис шунда бўлса керак-да?

— Хоразмлик шоирлар-нинг шеърларида катта бир ўйноқчилик бор. Мен одатда қўшнқни ижро этишдан ол-дин сўзи киникчилигини халққа, албатта, таништи-риб ўтаман. Кўпроқ Хоразм шоирлари шеърларини қў-шнқ қилганин учун менга ҳеч ким айб қўймайди. Чу-ки бунга айб санаб бўлмайди. Мен ўзимни фалончининг шеърини қўшнқ қилишим керак деб мажбурлаганим билан, у ҳақиқий қўшнқ бў-ла олмайди.

— Қўшнқча шеър тан-лашда нимадурга эътибор берасиз? Буюртга берасиз-ми ёки танлаб оласизми?

— Ҳеч қачон буюртма бермаганман. Шоирларнинг нашр қилган китоблари-ни, матбуотда чоп этилаёт-ган шеърларини ўқиб бо-раман. Ўшларда ичиде май-зур бўладиганини, маънога, оламга, Менимча, ҳар бир қўшнқчи ижро этидиган қў-шнқнинг сўзи ҳам, куйи ҳам янги бўлиши керак. Баъзи бировлар қайсидир

санъаткор ижро этган қў-шнқнинг шеърини ўзларича куйга солидилар. Мен бунини маъқулламайман.

Ҳар бир ҳофиз ўзбек санъ-атининг бутунгача бўлган тарихидан хабардор бўлиши керак. Шундагина у санъат-нинг, қўшнқнинг қадрига етади. Бизда ҳозир ижрокчи кўп, лекин ижодкор кам. Ўзбек санъатига бирорта янгилик қўша биладиган санокчи. Халқнинг қалби эса жуда нозик. Ундан жой олиш учун кўп тер тўкиш керак. Шунинг учун ҳам хал-қимиз ҳофизни қўшнқ айта-лати демайди, меҳнат қи-лапти, дейди.

— Ўз ижодиңиздан қо-ниқасизми?

— Санъаткор ўз ижоди-дан ҳеч қачон қониқа ол-майди. Бу унинг учун мағ-лубият бўлиши мумкин. Ҳар бир қўшнқчи ўзбек санъа-ти олдида жавобгар бўлиши керак. Шу жавобгарлиқни ҳис қилмай қўйиш ўша ў-зундан қониқидиган келиб чиқади, менимча.

Бугунги тўй-маъракалар-да ашула айтаётган санъат-корларнинг кўпчилиги ку-нин ушса бўлди, қабилада иш тутмоқда. Уларнинг аниқ мақсади йўқ. Ижро этаёт-ган қўшнқларининг тили ўзбекча бўлса, куйи афрон-ча ёки ҳиндча. Уларнинг бундай қўшнқларига қарсақ қаладигандар ҳам топила-ди.

Мен ҳозир классик шо-ирларимизнинг газалларини кўпроқ қўйламоқдаман. Ай-ни пайтда эса ёш шоир Ша-миддин Садовийнинг «Муста-қил қаров» қўшнқи усти-да ишлайман. Омон Мат-жоннинг янги шеърларини ҳам қўшнқ қилиш ниятим бор.

— Ортиқ ака, сиз Ко-милжон Отаиёзовнинг се-

винли шогирдларидан би-рисиз. Устоз ҳақида хоти-рларингиздан гапириб бер-сангиз.

— Комилжон ака кам-тар, бағрикенг инсон эди. Унинг сабоғини олган, суҳ-батда бўлган давларимни ҳаётимда энг бахтли кунлар деб биламан. Комилжон ус-тоз торни биринчи бўлиб қирита олган санъат-кордир. Тўғри, тор эски қолғу асбобларидан. Лекин уни талаб даражасида ча-ла оладиган санъаткорлар кам. Устоздан кейин санъ-ат оламига кириб келган қўшнқчилар ҳам Комилжон аканинг торидек торни оруз қилишган, лекин ба-риб устоздек чала олма-дилар. Ҳар бир тор овоғга мослашди. Агар овоз тор-га мослашмаса бу қўшнқ қанот ёйиб кетолмайди.

Комилжон ака дoston куй-лари нима, халфа куйлари

дони. Қўлаб ёшлар эса, устоз кўриш шартмас, деб ўйлашди.

Менимча ҳеч қачон устоз ўзига шогирд танламайди. Аксинча, шогирд ўзига ус-тоз танлайди. Шогирдларим ичиде умидларини қўй. Аб-дулла Тиллаев, Ўтман Ах-медов, Ражаббой Жаббо-ров, қашқадарлик Неймат-жон, Аҳадбек, самарқанд-лик Фозилжон, хоразмдан Оғабой Собиров, Тошқову-з вилоятдан Ўтман Хужани-ёзов, марғилондан Шухрат-бек, Улар билан тез-тез му-лоқотда бўлиб тураман. Улар менинг ишончимни оқ-лашди, деб ўйлайман.

— Сизнингча, санъат сие-сат бўла оладими?

— Халқ санъати сиесат-дан ҳоли бўлган, яхши. Санъат сиесатга бўйсунди-рилган жойда халқ қалби қашшоқлашади. Биз санъат-корлар гап билан эмас, қў-шнқ орқали халқ қалбига йўл топамиз. Ҳар бир ижод-кор қўшнқчи ўз юртининг гуғури, ташвиши билан яшаши, халқининг ҳаё-тидан хабардор бўли-ши керак. Сиесатдон хабардор бўлиши зарур, деб ўйлайман.

— Фарзандларингиз куй-чалми, сизга жўр бўлаёт-ганларини биласиз. Уларнинг орасида ўзингизга ўхшаб етуқ ҳофиз бўлиб ўйлаш-диганлари бор деб эътиша-ми?

— Зокиржон Ўғлим ёним-да доирани, Хосият қизим халқ ҳўжаллиги бўйича мута-хассис, Қаромат қизим тиб-бобт ходими. Кичик Ўғлим Улуғбек фарзандларимиз орасида етуқ ҳофиз бўлиб етишишга ишюнаман. У ҳо-зир Тошкент Давлат консер-ваториясининг макомчилик куллиетида тахсил олапти. Ёғижак, танбур чалиш йў-ларини ўрганипти. Тез ора-да ўзининг мушаккил қўшнқ-лари пайдо бўлса ажабмас. Кичик фарзандларим 5 ёш-лиқ Мардонбек, 6 ёшлиқ Алишерлар ҳам доира ча-либ ашула айтишди. Яхши овозлари бор. Умуман ола-мизда ҳаммани санъаткор десам бўлади.

— Халқимизга қандай истак ва тилақларингиз бор?

— Дарлар собит, сувлар ўткинчи дейди халқимиз. Бу қийин кунлар ортда қолиб кетади, ҳозирги шароитда ҳар ким ўз ишига масъул бўлиши керак. Лоқайдлар кетмайди. Ҳар ким ўзига нисбатан қаттиққўл бўлса-гина қийинчиликлар енти-лади. Мушаккилтимизни муштаткамлаш йўлида ке-чатиб бора кунларнинг қадри-га етайлик. Авваламбир Президентимизга муштаткам саломатлик тилайман. Ба-ри кенг, меҳмондўс халқи-мизга тинчлик, омонлик ёр бўлсин. Ёмон қўздан ас-расин.

Сўзбашдом: Ойбек РАҲИМ, «Халқ сўзи» муҳбири

«Халқ сўзи» ҳақ ўз
Бўшим керак. Бу ҳайр
ишга газетга жамоатига
ва газет халқорга улкан
омадлар тилайман.
О. Ортиқ.

Спорт

ШОҲМОТ ЎЗ ВАТАНИГА ҚАЙТАИ

ТАРИХИЙ манбаларга назар ташлайдиган бўлсак, шохмат биринчи марта Қашқадарь ва Сурхондарь ао-ҳисда юзгага келиб, йаналган.

Айни кунларда ушбу ҳу-дада, яъни Қаршида илк бор ийрик шохмат турнири ўтқа-зилмоқда. Мусобақа ҳокимла-рининг айтишига қараганда совирилган анча йирки. Р. Го-йиёв хотирасига бағишлаб ўтказилган бу халқроқ тур-нида, ҳозирча Осн чемпион-нати ўзинларда анча муваф-

фақиятсиз қатнашган халқро-миксадаги спорт устаси, са-меркандлик Тоҳир Воҳидов уч имкониятдан уч очко жамғар-ган ҳолда пешқадамлик қи-ляпти.

Шунингдек, бу ерда шохмат-северлар учун «Б» гуруҳ та-шил этилган бўлиб, унда 52 та шохматчи голиблик учун дона сурнишпти.

Каратэ-до

БАЙРОҒИМИЗ 17 МАРТА КЎТАРИЛДИ

ЙИЛДАН-ЙИЛГА спорт ола-мида янги турлар пайдо бўл